



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Боқиев Ҳожимурод Азизбек ўғли
ИИВ Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш тушунчаси, жамоат жойларининг турлари, профилактика инспекторининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирлари, ушбу чора-тадбирларни ташкил этиш тартиби, бугунги кундаги холати ва профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини амалга оширишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар: Жамоат, Жамоат тартиби, Жамоат тартибини бошқариш воситалари, Жамоат тартиби мазмуни, Тартиб, Сақлаш, Хавфсизлик, Таъминлаш, "Фуқаролар хавфсизлиги", Профилактика инспекторининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мақсади, Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш, Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти-давлат ва жамиятнинг энг муҳим йўналишларида бири хисобланади.

Жамоат тартиби тушунчасида, қуийдаги қисмларни ажратиб кўрсатиш зарур:

1. Жамоат тартиби мазмуни – одамларнинг жамоат жойлардаги хулқатвори, хатти-ҳаракати ва ҳуқуқий характердаги ҳуқуқ ва қоидалар меёrlарини бажариш ва уларга риоя қилиш натижасида йиғилиб бориладиган юриш-туришларида намоён бўладиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

2. Жамоат тартибини бошқариш воситалари – ноҳуқуқий характердаги (ахлоқ, урф-одатлар нормалари, хулқ-атвор маданият қоидалари) ҳуқуқий меёрий ва қоидалардир.

3. Жамоат тартибини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашдан мақсад – фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғи, виждони, қадр-қиммати, бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат осойишталигини, давлат жамоат ташкилотларининг нормал фаолият кўрсатишлари учун шартшароитларни таъминлашдир.



Мустақил суверен давлатда жамоат тартибининг аниқ мустахкамланишини кафолатлаш - ижтимоий ва давлат тузумининг ҳақиқий демократияга асосланган ҳуқуқий кафолатлари, жамият ва шахснинг ажралмас бирлигидир.

Бинобарин жамоат тартиби тушунчаси ҳуқуқий муҳофаза объекти сифатида ижтимоий муносабатларнинг ўзаро бир бири билан боғлиқ йиғиндиси (тизими) сифатида қарамоқ керак, бу тартибни ўрнатиш ижтимоий ҳаётнинг, осойишталик вазияти, одамларнинг нормал хаёт кечиришлари ва дам олишлари, шунингдек, ижтимоий ахлоқ талабларига риоя қилишлари маъданий ҳулқ-атворлари, бошқа кишиларнинг давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқий ва эркинликлари учун яхши ташқи шароитлар яратишда намоён бўлади.

Жамоат тартиби тушунчасига тариф берадиган бўлсак - бу ўзбек тилининг изохли луғатида тарифланича “жамоат” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, уюушма, бирлашма, кўпчиллик, омма халқ деган маъноларни англатади. Жамоат тартиби эса халқ учун, омма учун белгиланган тартиб-қоидадир.

Тартиб - сўзи хам арабча сўз бўлиб, *таёrlash, ташкил этиш, интизом, мойиллик, рағбат, режа* каби маъноларни танглатиб, иш харакат, чоратадбирларнинг риоя қилинадиган маълум изчилилк қонун-қоида ва шу қонун қоидага жавоб берадиган ҳолатини билдиради.¹ Тартиб деб ҳамма инсонлар бирдек амал қилиши белгиланган қоида мейорларга айтилади.

Сақлаш - “сақламоқ” сўзига синоним бўлиб, *ташқи таъсирдан муҳофаза қилмоқ* риоя қилмоқ, муайян ҳолатга амал қилмоқни билдиради.

Хавфсизлик – хавф хатарнинг йўқлиги, хавф бўлмаган ҳолат. **Таъминлаш** - (ўзаги арабча “таъмин” – кафолат, таъминлааш, гаров, хавфсизлик, “омин” дейиш, омонлик бериш); таъмин қилмоқ маъносини бериб, бирор нарсанинг амалга ошиши, руёбга чиқиши, мухайё бўлиши учун зарур шароит яртмоқ деган тарзда талқин қилиади. **Жамоат** - арабча сўз бўлиб “*бирлашма, уюшма, гурух кўпчилликка, оммага қарашли, төғишили*” маъноларини англатади.

Жамоат тартиби - амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларга риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини кўпчилликнинг омманинг хавфсизлигини таъминлашга, худуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат ва дам олишлари учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган, шунингдек уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ва ижтимоий ахлоқ нормаларини хурмат қилиш бўйича жамоат жойида өвжуудга келадиган хамда тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir.

¹ Ички ишлир органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш дарслик И.исмаилов, Ж.С.мухторов, Ф.А.Шукуров ва бошқалар.-Т.2019-4366



Бошқача қилиб айтганда, жамоат тартиби жамоатта таллукли барча масалаларнинг тартибли тарзда белгиланган нормада юритилишидир.

Уни сақлаш, асраш ваи муҳофаза этиш эса бевосита ушбу масалага маъсул идора хизмат ва шахслар томонидан амалга оширилишидир.

Жамоат хавфсизлиги - бу шахс, жамият ва давлатнинг хаётий мухим манфаатларини жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан ҳамда ижтимоий низолар, табиий оғатлар, эпидемиялар, эпизотиялар, катта фалокатлар, авариялар ва ёнғинлар натижасида келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик холатидир. **“Фуқаролар хавфсизлиги”** атамаси эса – шахс, жамият ва давлатнинг хаётий мухим манфаатларининг жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан, ижтимоий низо, табиий оғат, эпидемия, эпизоотия, катта фалокат авария ва ёнғинлардан ҳамда улар натижасида келиб чиқадиган фавқулотда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик холатидир.

Жамоат тартибининг асоси жамоат жойлари, яъни инсонларнинг ўз хаётий эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида бошқалар (кўчалик, омма) билан ижтимоий муносабатларга киришадиган, фаолият олиб бориш, меҳнат қилиш ва дам олиш вақтларида мулоқотда бўладиган жойлар (худуд, объект) ҳисобланади.

Жамоат жойларининг турлари 3 турга бўлиниади:

- **доимий фойдаланиладиган жамоат жойлари** (кўчалар, майдонлар, хиёбонлар, транспорт магистраллари)
- **вақтинчалик фойдаланиладиган жамоат жойлари** (савдо шоҳобчалари, театрлар, стадионлар ва бошқалар)
- **зарурат бўлганда вақти-вақти билан фойдаланиладиган жамоат жойлари** (ўрмон, тоғ ёнбағирлари, дарёлар, табиат қўйни, яъни умумхалқ байрамлари).

Хар бошқарув тизимининг ўз тартиб-қоидалари ва уларни амалга ошириш усувлари бор. Ҳатто ибтидоий жамоа тузимида ҳам жамоат тартиби ва қабилаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бошқарув тизимининг асосий шаклларидан бири бўлган. Қабила бошлиқлари бу борада чоратадбирлар белгилашган. Қабилада тартиб ўртаниш ҳамда жамоадаги хавфсизликни таъминлаш бевосита уларнинг зиммасида бўлган.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мақсади – профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятининг ҳуқуқий асослари, асосий йўналишлари ва ташкил этиш тартибини янада тақомиллаштириш ҳамда профилактика инспекторининг бу борада назарий ваамалий кўникмаларини шакллантириш ва бу кўникма ва билимларини жамоат тартибини сақлаш соҳасида кўллай олишидир.



"Бугунги глобаллашув даврида шахс, жамият ва давлат хаётига тобора ортиб бораётган бир пайтда профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолияти мухим ахамият касб этади".

Бундан ташқари жамоат тартибини таъминлашнинг мақсади икки қисмдан иборат бўлади.

- 1) жамоаттартиби
- 2) фуқаролар хавфсизлиги².

Хавф манбалари:

- ўйларда ва транспортда ҳаракатланиш, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш;
- корхона, ташкилот ва муассасаларда портловчи, заҳарловчи ва радиоактив моддалар, қуроллар ва бошқа хавфли предметларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаслик ёки бузиш;
- турар-жойларда, корхона, ташкилот ва муассасаларда, шунингдек ҳудуд ва объектларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш;
- табиий оғатлар, эпидемиялар, эпизотиялар ва улар оқибати; – оммавий тадбирлар ўтказилиш тартиби ҳамда қоидаларига риоя этмаслик ёки уларни бузиш ва ҳ.к.

Бундан ташқари жамоат тартиби сақлаш фаолиятининг бир нечта мақсадлари мавжуд бўлиб булар қуидагидан иборат:

- профилактика инспектори ўзининг маъмурий ҳудудида фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш;
- Ўзининг маъмурий ҳудудининг иқтисодий ривожленишини таъминлаш;
- Маъмурий ҳудудда жиноятчиликнинг ўсиб кетишининг олдини олишда ва шу каби ишларни амалга оширишда ифода бўлади.

Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятидаги асосий вазифалари: – маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш ва қriminogen вазиятни таҳлил қилиш; – маъмурий ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш; – маъмурий ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- фуқароларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш;
- маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги ишларни юритиш ҳамда ҳал қилиш;
- маъмурий ҳудудда паспорт-виза ва назорат-лицензиялаш қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

² Ички ишлир органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш дарслик\ И.исмаилов, Ж.С.мухторов, Ф.А.Шукуров ва бошқалар.-Т.2019-436-б



- фаолияти тақиқланган ташкилотлар, диний-экстремистик гурухлар вашу каби фаолиятга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш;
- маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни аниқлаш ва фош этиш чораларини кўриш;
- жиноят содир этиб суд ва тергов органларидан яшириниб юрган, бедарак йўқолган шахслар, ахлоқ тузатиш ишлари тариқасида жазодан бўйин товлаб юрган маҳкумларни қидириб топиш, шахси ноаниқ мурдаларни шахсини аниқлаш; – озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга (муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган, шартли ва ахлоқ тузатиш ишларига) ҳукм қилинган шахсларга нисбатан профилактик назорат ишларини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида “Аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш бугунги кунда энг муҳим вазифадир” деган эди.

Бугунги ривожланаётган бир даврда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб келябди. Қолаверса бутун дунёни ларзага солаётган корона вирус пандемияси мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бунаقا мураккаб вазиятда профилактика инспектори маъмурий ҳудудида жамоат тартиби ва фуқароларнинг саломатлиги ва шахсий хавфсизлигини таъминлашда хар томонлама тайёр ва рухан тетик бўлишини талаб этади. Барчамизга маълумки бу вирус кўпроқ одамлар гавжум жойларда тезроқ тарқалиб борябди у сабаб, жамоат жойларида одамларнинг тўпланишига йўл кўйилмаябди. Хар бир маъмурий ҳудудда “Жамоатчилик назорат масканлари” ташкил этилган, бу ерда профилактика инспектори маъсул шахс этиб белгиланган.

Хозирги пандемия даврида унга қарши курашда профилактика инспекторлари муҳим куч бўлиб иштирок этмоқда. Профилактика инспекторлари карантин давридаги асосий вазифаси карантин қоидаларини бузган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 54-моддасига биноан маъмурий материаллар тузиб, маъмурий ишлар бўйича судга ёки Санитария эпидимология органларига топшириш бўлиб келмоқда.

Жамоат тартибини сақлашнинг самарали ташкил этилиши, энг аввало, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва ҳаётини химоя қилиш, улурнинг ҳуқуқларига ҳамда эркинликларига ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид қилиши мумкин бўлган жиноий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар, тажовузларни бартараф этиш имконини беради.

Суд-ҳуқуқ соҳасида, давлат органларида, хусусан, ички ишлар органларида амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатда, унинг



маъмурий худудий бирликларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи миллий тизим шаклланишига асос солинди. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимларини тубдан ислоҳ қилиш, айниқса, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи хизматлар фаолиятини такомиллаштириш борасида кўплаб қонун хужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий қилинди. Хусусан Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси доирасида 2017-йил 10-апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартиби, фуқаролар хукуклари, эркинликлари ва қонуний мафаатларини ишончли химоя қилишни тамиллашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармонидаги³ ички ишлар органлирининг тизимида ислохотларни малага ошириш бўйича белгиланган комплекс чора-тадбирлар бевосита мамлакатда. Унинг маъмурий-худудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиласди. Мазкур фармонда қайд этилганидек, бугунги кунда юзага келаётган хавфхатар ва таҳдидлар, аввло. Халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлири олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш уларга бархам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Мазкур вазифаларни самарали амалга оширишда жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, уни ташкил этиш тактикаси муҳим ахамиятга касб этади. Ушбу соҳадаги фаолиятни ташкил этиш ва унла қўлланиладиган тактика бир-бирини ўзаро тўлдиради ҳамда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида қўйилган вазифаларнинг, самарали бажарилишига имкон яратади. Шунинг учун, аввало, “жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш”, “жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш”, “жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси” тушунчаларининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш зарур.

Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш – бу жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар талабларидан келиб чиққан холда давлат органлари, хусусан ички ишлар соҳавий хизматлари томонидан жамоат бирлашмалари, фуқаролар иштирокида жамоат жойларида одамларининг ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларига итоаткорлик хулқини, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манбаатларига ёки

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 10-апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартиби, фуқаролар хукуклари, эркинликлари ва қонуний мафаатларини ишончли химоя қилишни тамиллашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони



уларини ҳимоя қилиш субъектлари фаолиятиги қарши қаратилган ҳуқукбузарликларни содир этган шахсларни амалдаги қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишини ташкил этишдан иборат ташкилий ва ҳуқуқни муҳофаза килишга қаратилган тизими.

Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш – бу давлат органлари, хусусан, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари ва фуқарорлар иштирокида одамларнинг хаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва ҳуқуққа хилоф бошқа қилмишларидан ҳимоялаш бўйича бошқарув назарияси ҳамда малдаги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилган. Уларнинг бевосита жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадига йўналтирилган, келишилган ҳамда самарали фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган комплекс бошқарув функцияларини амалга ишларни жараёни.

Жамоат тарбини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси – бу давлат органлари, хусусан, ички ишлар соҳавий хизматлари томонидан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини, ҳуқукбузарликлар профилактикасини таъминлаш, тартиббузарга инсонпарварлик билан таъсир ўтказиш, фуқароларнинг хаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини жиноий ва ҳуқуққа хилоф бошқа тажовузлардан ҳимоялашнинг назария ва амалиётида ишлаб чиқилган усул ва шакллари қўллаш.⁴

Фуқароларнинг, мансабдор шахсларнинг амалдаги қонун хужжатлари билан белгилаб қўйилган йўл харакати, ёнгин, экологик, санитария, ишлаб чиқариш ва бошқа хавфсизлик тизимси қоидаларига, шунингдек фавқулодда вазиятлар вужудга келганда қандай ўзини тутиш ва харакатланиш тартибини яхши билишлари ҳамда уларга оғишмай амал қилишлари жамоат тартибини сақлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳаётда уларга амал қилмаслик турли салбий оқибатларга олиб келади, унга йўл қўйган фуқаролар ва мансабдор шахслар ушбу қилмишлари қоунда белгилага тартибда жавобгарликка тортиладилар⁵.

Бир сўз билан айтганда профилактика инспектори маъмурий худуддаги барча вазиятларга холисона, вижданан ёндашиши жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим ахамият касб этувчи асосий вазифаларида бири ҳисобланади.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 10-апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартиби, фуқаролар ҳуқуклари, эркинликлари ва қонуний мафаатларини ишончли ҳимоя қилишни тамиллашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони

⁵ Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш дарслик\ И.исмаилов, Ж.С.мухторов, Ф.А.Шукуров ва бошқалар.-Т.2019-4366



ФОЙДЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.,2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2016.ЎРҚ-407-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. ЎРҚ-419-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Тошкент-2014.ЎРҚ-371-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент-2024.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15.–243-м.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сонли Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.
9. Ички ишлир органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш дарслик\ И.Исмаилов, Ж.С.Мухторов, Ф.А.Шукуров ва бошқалар.-Т.2019.